



ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Турғунов Абдулло Муҳиддин ўғли

Наманган давлат университети магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7972717>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-May 2023 yil
Ma'qullandi: 23-May 2023 yil
Nashr qilindi: 26-May 2023 yil

KEY WORDS

яшириш иқтисодиёт,
давлат, иқтисодиёт, жаҳон
иқтисодиёти, иқтисодий
ўсиш, иқтисодий
ислохотлар, коррупция,
давлат бюджети.

ABSTRACT

Яширин иқтисодиёт мамлакатлар тараққиётига салбий таъсир кўрсатишини ҳозирги кунда барча ривожланган мамлакатлар тажрибаларида кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикасида яшириш иқтисодиётни қисқартириш масалалари ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бирига айланди. Бу ишларни амалга оширишда давлатнинг аралашуви энг муҳим масалалардандир.

Яширин иқтисодиёт инсоният тарихида давлатчилик вужудга келиши ва шаклланишининг дастлабки босқичларидаёқ мавжуд бўлиб, ҳозирги кунга келиб жаҳон хўжалигининг барча мамлакатлари учун энг долзарб муаммоларидан бирига айланган. Яширин иқтисодиётнинг ривожланиши ҳолати мамлакатларнинг ривожланганлик даражаси, унинг ижтимоий иқтисодий ҳолатига ва иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиш ва иқтисодиётнинг бошқарув тизими билан чамбарчас боғлиқ. Шунга кўра жаҳон мамлакатларида яширин иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси турличадир. Олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, яширин иқтисодиётнинг кўлами иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда нисбатан камроқ, ривожланаётган, шунингдек, бозор иқтисодиётига ўтиш мақсадида чуқур иқтисодий ислохотларни олиб борилаётган собиқ социалистик мамлакатларда каттадир. Шунинг учун яширин иқтисодиётнинг моҳияти, вужудга келиш ва ривожланиш сабабларини, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий таъсирини, уни кўламларини кескин камайтириш, ва уни ривожланиб кетмаслиги учун унга қарши кураш масалаларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ҳамма давлатлар учун долзарб масалалардан биридир.

Шартли равишда яширин иқтисодиётни ўрганиш бўйича иқтисодий-ҳуқуқий тадқиқотларни уч йўналишга бўлиб тадқиқ этиш мумкин:

1) ҳуқуқнинг иқтисодий назарияси (концепсиялари) – легал бизнес фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларининг иқтисодий самарадорлигини (Р.Коуз, Р.Познер ва бошқ.), ҳамда ҳуқуқий нормаларнинг хўжалик амалиётига таъсирини (Р.Ла Порта) ўрганиш;

2) яширин (яширин) иқтисодиётни ўрганиш – расмий ҳисоб китоб ва

назоратдан яширинадиган ва кўпчилик ҳолларда ноқонуний характерга эга хўжалик фаолияти (Е. Де Сото);

3) жиноят ва жавобгарликнинг иқтисодий назарияси – касбий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида жиноятчиларнинг фаолиятини, ҳамда жиноятчиликни камайтиришнинг турли услубларини самарадорлигини ўрганиш (Г.Беккер ва бошқ.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Ислоҳотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, “яширин иқтисодиёт”нинг вужудга келиш омилларини чуқур таҳлил қилиб, унга қарши курашиш дастурини тасдиқласин”¹, -деб таъкидлаган.

Дунё мамлакатларида яширин иқтисодиётнинг намоён бўлиш шаклларида бири бўлган коррупция ҳар қандай давлат тараққиётига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун дунё давлатларида коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш масалалари долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистонда ўтган йиллар давомида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш мақсадида алоҳида Қонун ва Қарорлар қабул қилинмоқда. Мустақил фаолият юритиш имкониятига эга Коррупцияга қарши курашиш агентликлари ташкил қилиндики, бунинг самараси кейинги йилларда яққол сезилмоқда. Ўзбекистон коррупциянинг ривожланганлиги бўйича Дунё Рейтингида ижобий кўрсаткичларга эга бўлиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида: - “Тўртинчидан, афсуски, жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди. Тадбиркорлар ҳанузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келаётганини Президент номига келиб тушаётган кўплаб мурожаатлар ҳам, матбуот ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”, -деб жамият олдида муҳим вазифани белгилаб бердилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш бўйича кўплаб чора тадбирлар амалга оширилмоқда ва улар қуйидаги 5 бўлимлардан иборат:

1. Яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилди. Бу тадқиқотлар натижада яширин иқтисодиётнинг хорижий мамлакатларда кенг тарқалган жамиятга ва давлатга салбий таъсири аниқланди ва улар қуйидагилардан иборат:

• Республикаимизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари ўртасида зақобат муҳитининг бузилиши ва унинг шаффоф эмаслиги;

- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва миқдорининг пасайиши;
- Республика давлат бюджетига тушадиган солиқ тушумларининг камайиши;
- Мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий институтларни қўллаб-қувватлаш учун солиқ юкини оширилиши;
- Иқтисодий ўсишнинг пасайиша.

Шунингдек, яширин иқтисодиётни баҳолашнинг хорижий мамлакатларда кенг тарқалган ва кўп қўлланиладиган усуллари тадқиқ этилди ва унга кўра улар икки тоифага: бевосита ва билвосита усулларга бўлиб олинди. Бевосита усуллар тўғридан тўғри кузатувлар асосида ва солиқ текширувлари орқали амалга оширилган бўлса, билвосита усуллар эса транзаксион метод, валютага бўлган талаб методи, энергия сарфи истеъмоли методи, харажатлар ва даромад статистикалари ўртасидаги фарқ, расмий ва ҳақиқий ишчи кучи ўртасидаги фарқ ва MIMIC моделидан иборат.

2. Республикаимизда яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича биринчи даражада амалга оширилган ишларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6098-сонли Фармони бўйича қуйидаги соҳаларга енгилликлар берилди:

- Қурилиш корхоналарига;
- Умумий овқатланиш корхоналарига;
- Риелторлик фаолияти билан шуғулланувчиларга.

Бунга вўшимча равишда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасидан ташкил топган комиссиялар ва таркибий тузилмалар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 394-сонли Қарорига асосан, иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш, иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини ошириш, банк хизматларининг оммабоплигини ошириш, «Яширин иқтисодиёт» субъектларини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш, ташқи савдода «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш бўйича самарали тизимни жорий этиш ва «Яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш бўйича кенг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш вазифалари белгилаб олинди.

3. Яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича Республикаимизда кўплаб чоратадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда “2021-2025 йилларда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш бўйича Стратегия” ва “Яширин иқтисодиёт улушини баҳолаш методикаси” (MIMIC модели асосида) каби лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1 сонли қарорига асосан, корхоналарни текширишнинг автоматлаштирилган тизими жорий қилиш, текширишнинг турлари бўйича тартибни белгилаш ва “Шубхали” корхоналар таҳлили билан шуғулланиш вазифалари белгиланиб олинди. Шунингдек, вазирлик ва идоралар томонидан яширин иқтисодиёт улуши юқори бўлган соҳалар таҳлили, амалдаги имтиёзлар ва преференцияларни бекор қилиш, “Risk analysis” дастурининг амалиётга жорий этилиши, кузатувлар асосида баҳолашнинг дастлабки натижалари, яширин иқтисодиётни саноат бўйича баҳолаш, “пулни ювиш” ва ноқонуний пул оқимларига

қарши кураш чоралари, “Чеклар” бўйича совринли ўйинлар ва монетар методда яширин иқтисодиётни баҳолаш ишлари амалга оширилмоқда.

4. Иқтисодий тараққиёт вазирлиги томонидан яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҳалқаро ташкилотлар ҳамкорлигида узоқ муддатли концепсиясини ва баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш, статистик ҳисоботларни қайта кўриб чиқиш ва макро кўрсаткичларда яширин иқтисодиёт улушини қамраб олиш режалаштирилмоқда.

Вазирлик ва идоралар билан биргаликда нақд пулсиз ҳисоб китоблар тизимини ривожлантириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ юкининг тенглигини таъминлаш, рақобат муҳитини яхшилаш ва бозорларни эркинлаштириш ва бюджет шаффофлигини таъминлаш ва фуқароларнинг хабардорлигини ошириш режалаштирилмоқда.

5. Яширин иқтисодиёт бўйича жаҳон мамлакатлари кўрсаткичларини таҳлили шуни кўрсатадики, яширин иқтисодиёт кўрсаткичлари АҚШда 8,0%, Бразилияда 36,5%, Испанияда 21,7%, Италияда 19,5%, Португалияда 18,5%, Кореяда 18,4%, Хитойда 14,5%, Канадада 11,0%, Германияда 10,2%, Буюк Британияда 9,6%, Австралияда 9,0%, Сингапурда 8,6% ва Японияда 8,1%ни ташкил этмоқда. Ўрта Осиё мамлакатлари бўйича эса (MIMIC модели асосида ҳисоб китоблар) 2019 йил ҳолатига Ўзбекистонда 52,11%, Тожикистонда 40,76%, Қозоғистонда 36,65% ва Қирғизистонда 30,53% ташқил қилган. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда яширин иқтисодиётни улуши жуда юқори. Бу ҳолатни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини беради ва яқин йилларда Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг улуши сезиларли даражада камаяди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”. Указ Президента Республики Узбекистан, 7 февраля 2017 года. – Народное слово, 8 февраля 2017 года.
2. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему обеспечению продовольственной безопасности страны». - <http://www.lex.uz/> -
3. K.I.Sirojiddinov. R.Botirova A. Toxtaboyev. Development of food oriented of agricultural production. *Academicia (An International Multidisciplinary Research Journal)*, Vol.9 Issue 3, March 2019. Pages: 42-45.
4. K.I.Sirojiddinov. Development the food orientation of agricultural production and the need to develop agromarketing *International Scientific Journal. Theoretical and Applied Science*, Vol 79, Issue 11, November.2019.Pages:268-272.
5. Кенжаев И. Э. Созданные условия для иностранных инвесторов в узбекистане //Приоритетные векторы развития промышленности и сельского хозяйства. – 2019. – С. 157-159.
6. Кенжаев И. Кичик бизнесга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4/S. – С. 329-344.
7. Kenjaev I. E. Theoretical aspects of attracting foreign investment in the economy of the region // *Economics and Innovative Technologies*. – 2019. – Т. 2019. – №. 3. – С. 8.
8. Тажибаев К. Мева ва сабзавотчиликда агрокластерларни ташкил этиш самарадорлиги // *Scientific Bulletin of Namangan State University*. – 2020. – Т. 2. – №. 3. – С.

238-242.

9. Сирожиддинов К., Тажибаев К. Қишлоқ хўжалиги кичик бизнес субъектларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 3. – С. 242-248.

10. Сирожиддинов К., Тажибаев К. Қишлоқ хўжалиги кичик бизнес субъектларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 3. – С. 242-248.

11. Сирожиддинов К. И., Тажибаев К. Қ. Использование возможностей маркетинга и коопераций в сельском хозяйстве //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 11. – С. 121-132.

